



**ЗА СЕМЬ МЕСЯЦЕВ
ТЕКУЩЕГО ГОДА В
СФЕРЕ ИНФОРМАЦИИ
И СВЯЗИ СОЗДАНО
1522 НОВЫХ
ПРЕДПРИЯТИЙ**

5-стр.



**5G ХИТОЙДА
МИЛЛИАРДГА
ЯҚИН
МИЖОЗЛАРНИ
ТОПДИ**

6-бет.



**ЭНГ КЎП
ФЙДАЛАНИЛАДИГАН
ИЖТИМОИЙ
ТАРМОҚ**

8-бет.



ict.xabar.uz

Gazeta 1992-yil martdan chiqq boshlagan

Хабар

ERUR SEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN,
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSSEN SEN.

**34 (1560)-son
26-avgust
2022**

@xabaruzofficial
facebook.com/xabar.uz/
@xabaruzofficial

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

www.xabar.uz



ХИЗМАТЛАР ЭКСПОРТИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шерзод Шерматов Самарқанд вилоятига ташрифи давомида IT-Park Самарқанд худудий филиалига борди.

АКТ вазири филиалда фаолият юритаётган IT мутахассислари билан учрашиб, улар томонидан амалга оширилаётган ишлар ва лойиҳалар билан яқиндан танишди.

Шу билан биргаликда, филиалда таълим олаётган ёшларнинг дарс жараёнларини ҳам кўздан кечирди. Ёшларнинг сифатли билим олишини таъминлаш, уларга етарли шароитлар яратиш, шунингдек, АКТ соҳасига жалб қилиш ва бу соҳага уларнинг қизиқишини янада ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Ўз навбатида, АКТ вазири IT-Park Самарқанд худудий филиали фаолиятини кенгайтириш, чет давлатларга хизматлар экспортини ошириш бўйича ўз тавсияларини берди.

ЭЛЕКТРОН ЎЙИНЛАРДАН ЭНГ КЎП ДАРОМАД ОЛУВЧИ КОМПАНИЯЛАР

(2022 йил)

1. Sony – \$24,9 млрд.
2. Microsoft – \$16,3 млрд.
3. Nintendo – \$15,3 млрд.
4. Tencent – \$13,9 млрд.
5. Activision/Blizzard – \$8,8 млрд.
6. Electronic Arts – \$5,6 млрд.
7. Epic Games – \$5,1 млрд.
8. T2 – \$3,4 млрд.
9. Ubisoft – \$2,5 млрд.
10. Bandai Namco – \$2,0 млрд.



Манба: компаниялар ҳисоботи

РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ БИЗНЕСНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА ҚАНДАЙ ЁРДАМ БЕРАДИ?



Бугунги дунё бизнесда туб ўзгаришларни талаб қилмоқда. Кеча талабга эга бўлган ва ишлаган нарса бугунги кунда аҳамиятсиз бўлиб қолмоқда. Тўйинган бозор, юқори рақобат, миждозлар талаблари бизнеснинг рақамли трансформациясига бўлган заруратининг баъзи сабабларидан ҳисобланади. Янги технологияларни жорий этиш бугун кириб келаётган келажакка қадамдир.



Ташриф

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШИЛДИ

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шерзод Шерматов Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетига ташриф буюриб, у ерда қурилаётган ва таъмирланаётган биноларнинг қурилиши жараёнлари ҳамда 2022/2023-ўқув йилига тайёргарлик ишлари билан танишди.

Айни кунда иккита 9 қаватли ўқув биноси-нинг реконструкция ишлари якунланмоқда. Мазкур ўқув биноси 1 500 нафар талабага мўлжалланган бўлиб, 7та маърузалар хонаси, 21та ўқув хоналари ва 9та компютер хонаси мавжуд.

Ташриф чоғида университетнинг 2022/2023 ўқув йилига тайёргарлик ҳолати, хусусан, ўқув аудиториялари, лаборатория хоналари, ўқув меъёрий ҳужжатлар тайёр ҳолга келтирилганлиги бўйича танишиб чиқилди.

Шунингдек, мамлакатимиз IT соҳасида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш йўналишидаги таклифлар ҳамда таҳсил олаётган университет талабаларида амалий кўникма ва касбий малакани ривожлантириш мақсадида дарс жараёнларини амалиёт билан узвий равишда ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Тақдимот давомида АКТ вазири олиб борил-



ётган ишлар бўйича ўз таклифларини берди. Айниқса, талабаларга қулай шароит яратиш ва таълим сифати ва ички ижодий муҳитни яхшилашга эътибор қаратиш бўйича топшириқлар берилди.

Шунингдек, АКТ вазири шу куннинг ўзида Тошкент ахборот технологиялари университетига қарашли талабалар ётоқхоналарининг ташқарисида олиб борилаётган қурилиш ишлари ва шарт-шароитлар билан ҳам танишди.

АКТ вазири ТАТУ талабалар ётоқхоналарининг ички яшаш хоналарини кейинги йилда замон талабларига мослаш, хусусан, талабаларнинг таклиф ва истакларини инобатга олган ҳолда алоҳида режа асосида таъмирлаш, талабаларга қулай шароит яратиш яшаш муҳитини яхшилаш бўйича алоҳида топшириқлар берди.



Жумадан жумагача

Ўзбекистон Олий суди раиси Бахтиёр Исломов раҳбарлигидаги Ўзбекистон делегацияси Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)га аъзо давлатлар Олий судлари раисларининг Душанбе шаҳрида Тожикистон Республикаси раислигида ўтказилган ўн еттинчи йиғилишида иштирок этди.

22 август куни Халқаро конгресс марказида Тадбиркорлар кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 августдаги фармонида мувофиқ, Тадбиркорлар кунини муносабати билан мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаяётган соҳа вакиллари билан бир гуруҳи мукофотланган эди. Тадбирда давлатимиз раҳбари 29 нафар фидойи ва илгор тадбиркорларга ана шу орден ва медалларни топширди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 август куни АҚШ Конгресси аъзолари Трент Келли ва Дэрин Лахуд иштирокидаги делегацияни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 август куни Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан телефон орқали мулоқот қилди. Икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Буюк ипак йўли” халқаро туризм марказининг очилиш маросимида иштирок этиш учун 23 август куни Самарқандга келди. Марказдан ўрин олган “Боқий шаҳар” мажмуаси ҳовлисида самарқандлик нурунийлар, зиёлилар билан самимий суҳбат бўлди. Шундан сўнг “Буюк ипак йўли” халқаро туризм марказининг тантанали очилиш маросими бўлди. Унда давлатимиз раҳбари нутқ сўзлаб, барчани ушбу кувончли воқеа билан табриклади.

24 август куни Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилоятида амалга оширилаётган қурилиш-бунёдкорлик ишлари билан танишди. Давлатимиз раҳбари Пайариқ туманидаги Имом Бухорий мажмуасида бўлиб, ушбу кутлуғ масканини зиёрат қилди. Президентимиз мажмуа ёнида Имом Бухорий ҳаётини кўрсатувчи электрон музей ташкил этиш таклифини билдирди. Шавкат Мирзиёев Ҳазрати Ҳизр мажмуасига бориб, Биринчи Президентимиз Ислон Қаримов мақбарасини ҳам зиёрат қилди.

КИБЕРСПОРТЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

2022 йилнинг 20 август куни пойтахтимизда жойлашган “INNO” ўқув-ишлаб чиқариш технопаркида Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирилиги, Ўзбекистон киберспорт федерацияси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган инсонлар ўртасида пара киберспорт бўйича мусобақа ташкил этилди.



Бугунги кунда республикаимиз паралимпиячилари спортнинг барча турлари бўйича бутун дунёда юқори натижаларни кўрсатиб, юртимиз байрогини баланд кўтариб келишмоқда, улар нафақат катта спортда, балки киберспортда ҳам уста эканликларини ўтказилган турнирда исботлаб беришди.

Турнирда эллик нафарга яқин паралимпиячи ёшлар иштирок этди. Фахрли 1, 2 ва 3-ўринни эгаллаган киберспортчиларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Мулоқот

ПАХТАЧИДА САЙЁР ҚАБУЛ

Ўзкомназоратнинг Самарқанд вилояти ҳудудий инспекцияси ва тизимдаги соҳа корхоналари раҳбар ва мутахассислари томонидан жорий йилнинг 23 август куни Самарқанд вилояти, Пахтачи туманидаги Мирзо Улуғбек маҳалла фуқаролар йиғинида сайёр қабул ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг Самарқанд вилояти ҳудудий инспекцияси катта инспектори Абдулла Раҳимов Ўзбекистон Республикасидаги соҳага тегишли бўлган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси Қарорларининг мазмун-моҳияти тўғрисида атрафлича тушунчалар бериб ўтди.

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган фуқароларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 августдаги “Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 6044-фармони ва шунингдек, лицензия олиш тартиби ва

лицензия олиш учун кетадиган муддатлар ҳамда лицензияловчи орган томонидан лицензия давогарининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун фаолиятнинг ҳар бир тури бўйича ундирилган йиғим миқдори борасида маълумотлар берилди.

Сайёр қабул давомида алоқа хизматлари бўйича фуқароларни қизиқтирган саволларига жавоб берилди. Жумладан, Матлуба Эшдавлатова Пахтачи тумани Гулистон маҳалласи Бунёдкор кўчаси 117-хонадонга интернет тармоғи ўтказилиши тўғрисидаги мурожаатига Пахтачи туман телекоммуникациялар боғламаси раҳбариятига топшириқлар берилди, Гулбаҳор Тошматованин “Хўжа” почта алоқа бўлимида интернет тармоғи ишламаётганлиги тўғрисидаги мурожаати шу жойнинг ўзида ҳал этилди.

Барча фуқароларга келгусида алоқа, ахборотлаштириш ва те-



лекоммуникация технологиялари соҳасида кўрсатилаётган хизматларга эътирозлар ҳамда соҳага доир саволлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг Самарқанд вилоят ҳудудий инспекциясининг 66 234-77-06, 66 234-76-13 хизмат телефонлари ҳамда Ўзкомназоратнинг 1144 қисқа рақамига бириктирилган “Ишонч телефони”га мурожаат қилиши мумкинлиги маълум қилинди.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
“Хабар”нинг Самарқанд
вилоятидаги муҳбири

Семинар

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШНИ КУЧАЙТИРАМИЗ

“Электромагнит мослашув маркази” ДУҚда корхонанинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ишларнинг самарадорлиги рейтингини юқори даражага кўтариш борасидаги чора-тадбирлар режасига асосан ўқув семинари бўлиб ўтди.

Семинарда сиёсатшунос Маъруф Усмонов коррупциянинг асл моҳияти ва унинг иллатлари ҳақида сўз юритди.

Маърузачи таъкидлаганидек, инсон борки, доим яхши яшашга, бошқалардан ажралиб туришга ҳамда ўз моддий эҳтиёжларини тўла қондиришга интилади. Аммо бунда унинг олдида доим икки йўл туради: бири – бу мақсадларга ҳалол меҳнат ва ўз ҳаракатлари орқали етишиш бўлса, иккинчиси – осон, тез ва асосийси

атрофдагиларга катта зарар берувчи иллатлар орқали маррани забот этиш. Иккинчи йўлда энг катта иллат коррупциядир. Коррупция пайдо бўлгандан бери инсоният у билан курашади ва кураш ҳамон давом этмоқда.

Сўнгги йилларда Президентимиз томонидан қабул қилинган бир қатор қонун ва фармонлар коррупцияга қарши курашишда асос ва дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳозирги кунда корхонамизда коррупцияга қарши кураш чоралари изчил олиб борилмоқда. Бу каби тадбирлар белгиланган мақсадларга эришишда муҳим аҳамият касб этади.

Н.ОБИДОВА,
“ЭМММ” ДУҚ жамоатчилик ва
оммавий ахборот воситалари
билан алоқалар мутахассиси

РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ БИЗНЕСНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА ҚАНДАЙ ЁРДАМ БЕРАДИ?



Рақамли трансформация нима?

Рақамли трансформация – бу компаниянинг бизнес жараёнларига янги технологияларни жорий этиш усули бўлиб, унда рақамли технологияларидан бизнес фаолиятини ўзгартириш ва яхшилаш учун фойдаланилади. Бунинг ҳисобига унинг миқёси кенгайиб, янада самарали ва даромадлироқ бўлади.

Бизнеснинг рақамли трансформацияси янги технологияларни қўллаш орқали мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишга қаратилган. Бир оз олдин бизнес соҳасига ижтимоий тармоқларнинг жорий этилишини инқилоб деб аташ мумкин эди. Бугун эса бу етарли эмас бўлиб қолди. Компаниялар такомиллаштириш ва ривожланиш учун замонавий технологияларга муҳтож. Бизнесни юритишнинг аънавий стратегияларидан рақамли бизнес стратегияларига инқилобий ўтиш туфайли компания рақобатчиларга нисбатан сезиларли афзалликларга эга бўлади. Бироқ қатъий ҳаракат қилиш зарур. Янги жараёнларнинг баъзилари тез ва самарали ишга туширилади, бошқалари эса узоқ муддатли ўзгаришларга олиб келиши ва ҳатто қисқа масофаларда бузилишларни келтириб чиқариши мумкин. Мисол учун, баъзи мижозлар инновацияларни қабул қилишни истамадиларки сабабли рад этишади. Бироқ рақамли трансформацияга тўғри ёндашиш ва самарали воситаларни жорий этиш компанияни “рақамлаштириш” ва унинг имкониятларини кенгайтиришга ёрдам беради.

Бу шунчаки маълумотни рақамлаштириш эмас. Бу компанияни рақамли маконда тарғиб қилишга қаратилган тадбирларнинг қатта тўпламидир. Сиз турли тажрибаларга таяиб бўлишингиз, эскирган бизнес жараёнларидан воз кечишингиз ва бизнесингизни кенгайтириш учун замонавий технологиялардан фойдаланишингиз керак.

Нима учун бизнес рақамли трансформациядан ўтмоқда?

Рақамли трансформация жуда катта суръатларда амалга оширилмоқда. Бир неча ўн йиллар олдин бизнесни фақат маҳаллий даражада тарғиб қилиш мумкин эди. Газеталардаги маҳаллий эълонлар, устунлардаги эълонлар ва ташриф қоғозларини тарқатиш каби. Кейин веб-сайтлар пайдо бўлди ва компаниялар аста-секин, бир вақтнинг ўзига телевизорда реклама бериш билан бирга рақамли маконга кира бошладилар. Бугунги кунда рақамли трансформация янги тўлқинни бошдан кечирмоқда. Сунъий интеллект фаол ривожланмоқда, машинани ўрганиш амалга оширилмоқда.

Рақамли трансформация технологиялари

Агар бизнесни ривожлантириш учун технологиядан фойдаланиш ҳақида гапирадиган бўлсак, бу воситалар нима эканлигини ва улар қанчалик фойдали эканлигини тушуниш керак. Ушбу мақолада биз бугунги кунда асосий ва энг машҳур технологияларга эътибор қаратамиз.

● CRM, ERP, WMS, TMS, SAAS каби замонавий воситалар ва маълумотлар базалари бизнесингизнинг му-

айян соҳаларини бошқаришга ёрдам берадиган тизимлардир: мижозлар билан муносабатлар, ресурслар, омор, транспорт, маълумотлар. Ҳатто ўз дастурий таъминотингизни бошқа компанияларга тақдим этиб, қўшимча даромад манбаи сифатида фойдаланиш имконияти мавжуд.

● Кенгайтирилган таҳлил. Сизда мавжуд бўлган маълумотлар жуда қимматли активдир ва уларнинг мақсадсиз йўқолишига йўл қўймаслик зарур. Таҳлилий воситалар ёрдамида сиз уларни жараёнларингиз, ходимларингиз, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини кузатиш учун ишлатишингиз мумкин. Шундай қилиб, сиз компаниядаги камчиликларни топишингиз ва уларни тузатишингиз, яхшилашингиз ва афзалликларга айлантиришингиз мумкин.

● Сунъий интеллект ва машинани ўргатиш соҳасидаги ечимлар. Сунъий интеллект тобора оммалашиб бормоқда, чунки бу сизнинг шахсий маълумотларингиз асосида доимий равишда ўрганадиган машинага қарор қабул қилишни ишониб топшириш имкониятидир. Ўқитишнинг самарадорлиги ва қарор қабул қилишнинг тўғрилиги маълумотлар миқдорига боғлиқ: маълумот қанчалик кўп бўлса, алгоритм учун аниқ ва тўғри хулосалар чиқариш осонроқ бўлади.

● Буюмлар интернет. Керакли жойларга жойлаштирилган қурилмалардан фойдаланиш: одамда, ерда, асбоб-ускуналар ёки транспорт воситаларида, керакли маълумотларни олиш, прогнозлар қилиш ва қарорлар қабул қилиш. Масалан, тиббиётда бу технология беморларнинг аҳолини кузатиш ва ташхис қўйиш, логистикада – машиналарнинг ҳолатини кузатиш, қишлоқ ҳўжалигида – об-ҳаво ва тупроқ ҳолати ҳақида маълумот олиш учун қўлланилади.

● Робототехника ва жараёнларни автоматлаштириш – роботлар узоқ вақтдан бери одамлар ўрнига кўплаб тақорланадиган оддий жараёнларни амалга ошириб келмоқда. Уларни корхонангиз ишига татбиқ этиш унинг самарадорлигини, баъзан, ҳатто ўнлаб марта ошириши мумкин. Албатта, бундай трансформация роботларни бошқариш учун махсус дастурий таъминотни ишлаб чиқишнинг ҳам назарда тутати. Технологияларнинг ҳар бири маълум мақсадда қўлланилади, шунинг учун битта ёки муайян ечимлар тўпламини танлаш компаниянинг эҳтиёжларига боғлиқ. Шу билан бирга, технологияларнинг ҳар бири мутлақо исталган соҳада самарали қўлланилиши мумкин. Фақат вазифани аниқ белгилаш муҳимдир.

Рақамли трансформация стратегияси

Рақамли трансформация муваффақиятли амалга оширилиши учун аниқ стратегияни талаб қилади. Келинг, режалаштиришда ёрдам берадиган учта асосий жиҳатни кўриб чиқайлик.

1. Қўлда ишлов бериладиган жараёнларини рақамлаштириш. Агар сизда ҳужжатлар жуда кўп бўлса, барчаси рақамлаштирилади. Катта миқдордаги захирага эга оморни ҳисобга олиш ҳам “рақам”га айланади. Етказиб бе-



рувчилар ёки мижозлар билан ўзаро алоқа қилишнинг мураккаб процедуралари ҳам рақамлаштирилади. Сизнинг барча маълумотларингиз доимо битта маълумотлар базасига тушиши сабабли уларни бошқариш осонроқ бўлади. Муҳим маълумотларни йўқотиш хавфи бартараф этилади.

2. Интеллектуал технологияларни жорий этиш. Албатта, жараёнлар ва маълумотларни рақамлаштириш маълумотлар билан ишлаш учун зарур воситалардан фойдаланишни ўз ичига олади. Ўз-ўзидан бу воситалар (SI, маълумотларни таҳлил қилиш) бизнесга кучли таъсир кўрсатиши мумкин.

3. Корпоратив маданиятнинг ўзгариши. Жараёнлардаги ҳар қандай ўзгаришлар компания ходимларининг иш характериини ўзгартиради. Ходимларни янги дастурий таъминотдан фойдаланишга ўргатиш ва рақамли воситаларни одатий ҳаёт тарзига интеграция қилиш зарур.

Рақамли трансформациянинг бу жиҳатлари кетма-кет босқичлар эмас, аксинча, улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва ўзаро боғлиқдир. Муваффақиятга эришиш учун ҳар бир жиҳатда уйғун ва бир маромда ривожланишига эришиш лозим.

Рақамли бизнес трансформациясининг асосий босқичлари

Агар трансформация босқичлари ҳақида гапирадиган бўлсак, улар аниқроқ ва изчил бўлади. Бу исталган натижага эришиш учун бажарилиши керак бўлган аниқ қадамлардир. Келинг, уларни батафсил кўриб чиқамиз:

1. Трансформацияланадиган соҳани аниқ белгилаш. Биринчи навбатда, аниқ мақсад қўйиш лозим. Айнан нимани ва қандай даражада трансформациялашни хоҳлайсиз? Қандай муаммони ҳал қилиш ва қандай мақсадга эришиш керак? Ушбу саволларга аниқ жавобларсиз сиз натижаларга эриша олмайсиз, яъни барча ҳаракатлар (ва ресурслар) беҳуда кетади.

2. Бюджетни аниқлаш. Рақамлаштириш учун аниқ нима кераклигини ҳал қилганингизда, “рақамли” бюджет ҳақида ҳам ўйлашингиз мумкин бўлади. Бу қийин бўлиши мумкин, шунинг учун, биринчи навбатда, эҳтимолли ечимлар ва уларнинг нархи билан танишиб чиқишингиз, уларни жорий қилиш ўзини оқлайдими ёки йўқми ва рентабеллигини баҳолашингиз тавсия қилинади. Бунда турдош фаолиятдаги махсус

ҳолатлар мисоллари ёрдам беради.

3. Йўналиш харитасини ишлаб чиқиш. Бу ерда ҳамма нарса оддий, агар биз барча режалаштирилган қадамларимизни график тарзда тасвирласак, биз йўналиш харитасига эга бўламиз. Бироқ аниқ дастлабки маълумотларга эга бўлган ҳолда, рақамлаштириш харитасини батафсил тузиш мумкин.

4. Рақамли ечимларни танлаш ва жорий қилиш. Рақамлаштириш учун қандай ечимлар ва воситалардан фойдаланишни ҳал қилиш зарур. Кейин уларни жорий этадиган ва режани амалга оширадиган пудратчи топиш керак.

5. Ходимларни янги технологиялар билан ишлашга ўргатиш. Сизнинг ходимларингиз вақт ва маълум ресурсларни талаб қиладиган янги жараёнлар ва рақамли воситаларни ўрганишлари керак. Сизнинг вазифангиз эса ўтиш жараёнини малакали ташкил этишдан иборат бўлади.

6. Эскирган технологиялардан воз кечиш. Эҳтимол, сизда ўз самарасини кўрсатмаган ечимлар ёки воситалар мавжуд бўлгандир. Баъзан уларни янги ечимлар билан интеграция қилиш мумкин, бироқ умуман олганда эски нарсани маҳкам тутиб олмаслик керак ва имкон туғилди дегунча замонавий платформага ўтиш яхшироқ.

Ички жараёнлар. Рақамли трансформация жамоа ичидаги ишни яхшилашга, самарадорликни оширишга ёрдам беради. Шунингдек, у ривожланиш режаларини ишлаб чиқиш ва компания манфаатларини илгари суриш имконини беради.

Бозор имкониятлари. Рақамли трансформация мижозлар муаммоларини ҳал қилишга ёрдам беради. Алоқа автоматлаштирилган. Мижоз менежер билан алоқани кутишни хоҳламайди, у шу ерда ва ҳозир муаммони ҳал қилишни хоҳлайди. Махсулот менежерлари мижозларнинг оғриқларини яхшироқ тушунишади ва уларни бартараф этишга ёрдам берадиган ечимларни тақлиф қилишади. Янги бозор имкониятлари очилади.

Ушбу мақола билан батафсил ict.xabar.uz орқали танишингиз мумкин.

Шоҳруҳ РАҲМАТ,
“Ахборот технологиялар ва ахборот ресурсларини ривожлантириш маркази” ДУК лойиҳалар бажарилишини назорат ва таҳлил қилиш бўлими бошлиғи



ҚАЛЪ ДАЪВАТИ

Нодир Қаҳоров ўз меҳнат фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Давлат фелдгерлик хизмати Бухоро шаҳар бўлини маси фелдалоқа офицери вазифасида бошлади.

– Дастлабки иш фаолиятимдаги озми-кўпми ютуқларимда Бухоро давлат университетидаги илк устозим Мэлс Маҳмудов, шунингдек, турли йилларда Давлат фелдгерлик хизматининг Бухоро шаҳар бўлини масига раҳбарлик қилган Анвар Аҳмедов ҳамда Ғайрат Жўраевларнинг хиссаси салмоқлидир, – дея сўзини давом эттиради Нодир Қаҳоров. – Ҳеч истисносиз, уларнинг том маънодаги касбий маҳорати, танлаган соҳасига садоқати, ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчанлиги, кези келганда эса қуюнчақлиги – ю гамхўрлиги мен сингари ёш мутахассисларга ўшандаёқ “юққан” бўлса ажабмас.

Эътиборлиси, бу инсоний фазилатлар соҳанинг бугунги ходимларини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Шу боис, ушбу эзгу фазилатлар капитан Нодир Қаҳоров раҳбарлик қилаётган Бухоро шаҳар

бўлини масининг катта офицерлари – Қаҳрамон Ҳақимов, Дилшод Жумаев, Миркомол Тулаев, фелдалоқа офицери Муҳриддин Баҳодиров, шунингдек, тажрибали ҳайдовчилардан Ихтиёр Насриев ҳамда Хуршид Шуқуровлар фаолиятида аниқ кўзга ташланмоқда.

Камтарга камол, дейишларича бор. Нодир Қаҳоров ўз хизмат ваколати ёки бурчи ҳақида кўп гапиришни ёқтирмайди. Зиммадаги топшириқ ва вазифалар эса таъбир жоиз бўлса чиндан – да залворли. Жавобгарлик ҳисси ҳам ундан – да юксак. Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Бош прокуратура ва бошқа юқори ташкилот ва муассасалардан юбориладиган фармон, қарор, фармойиш ва бошқа расмий ҳужжатларни маҳаллий ҳокимлик идоралари, вилоятнинг тегишли корхона ва ташкилотларига ўз муддатида етказиш масъулиятини бўлини ма ходимлари ҳар қадамда ҳис этиб туришади. Кундалик фаолиятда бирор-бир камчилик ёки сусткашликка йўл қўйилмаётганлигининг асосий боиси ҳам ана шунда. Ва энг муҳими – бу кундалик иш жараёни қиш чилласи – ю ёз фасли жазирамасида ҳам бир

зум тин олмайди. Негаки, давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда: “Одамларнинг гам – ташвишлари билан яшаш – одамийликнинг энг олий мезонидир”.

Яхшидан боғ қолади. Ҳа, бахтли-саодатли оила бошлиги Нодир Қаҳоров ўз муъжаз ховлисидаги дарахт кўчатларини парваришлаётганида ҳам, умр йўлдоши Насиба Ҳамроева билан бирга фарзандлари тарбиясида банд бўлганида ҳам, падари бузруквори Ҳабиб ота ва волида муҳтарамаси Назира ая билан бақамти суҳбат қурганида ҳам хаёлига шу сўзлар келади. Қолаверса, кўпни кўрган падари бузрукворининг хаётий ўғитларидан бири ҳам шудир.

2022 йилнинг май ойи Қаҳоровлар хонадони учун қувончли келди. Фелдгерлик хизмати соҳасининг бир гуруҳ фидоилари қатори Нодир Қаҳоровнинг кўксини ҳам “Ўз касбининг устаси” белгиси беади. Бу мукофот уни янги марраларни забт этишига туртки беришига ишончимиз комил.

Асқар ИСТАМОВ,
“Xabar”нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

Дуо билан эл кўқарар

Инсоннинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшадган омиллар кўп. Кимгадир ўринли ўғит, йўл-йўриқ, кимгадир шунчаки ширин сўз маъқул! Кимгадир маънавий, кимгадир моддий рағбат, кимгадир эса бори-йўғи чиройли дуо афзал, ахир бу ҳам фавқуллодда энг самимий мотивация! Ҳар ҳолда ёшлар ҳақида ёзилган мақолаларни, зўр мотивация, деб баҳолашади. Бўлмасам-чи, халқимиз роса топиб айтган, “Кўпининг дуоси – кўл”, “Олтин олма, дуо ол, дуо олгин эмасми”, дея. Бинобарин, дуонинг ортидан ҳамма ниятлар амалга ошади. Ҳа, бизчалик дуога ташна халқ бўлмаса керак.

Белгиланган режани ўз вақтида, бенеқсон адо этаётган Тошлоқ телекоммуникациялар боғламаси жамоаси ҳам эл дуосини олишга муяссар бўлмоқдалар. Интернетуал илм-фан, рақамли олам билан боғлашнинг савоблари мўл. Бунда жамоа бошлиғи Расулжон Бакировнинг раҳбарлик салоҳияти тахсинларга, ташаккурларга муносиб – таъкидлайди раҳбарият. Сезиб турибсизки, мақола муқаддимасидаёқ дуо мавзуси олдинга ўтиб оляпти. Шу сабабданми, аввало Расулжон билан эмас, онажониси билан суҳбатлашгим келди. Ўттиз йилдан ортиқроқ бошланғич таълим ўқитувчиси бўлиб ишлаган, хозирда фахрийлик гаштини сураётган муҳтарам аёлнинг – ОНАнинг овозини эшитгим келди. Боғландим. Зубайда-хон саволларимга жавобни сезиб турганингиздек, “Ўзбектелеком” АК Фарғона филиали раҳбарларини дуо қилишдан бошлади: Шу улур

ЁШЛИК ҒАЙРАТИ СИЗНИ АСЛО ТАРК ЭТМАСИН, РАСУЛЖОН!

айём кунларида сўрайманки, илоҳим, соҳа янада ривож топсин, Ўзи қўлласин. Боламга эътибор қилганлари, кадрлаганларини қаранг! Бошим осмонга етди. Дадалари Муродил Узақович ҳам жисмоний тарбия ўқитувчиси, 32-мактабда директор бўлиб ишлаганлар. Яқинда пенсияга чиқди. Фарғона шаҳар ТБда етакчи мутахассис бўлиб ишлаётган Асилбегим Заркентдаги лицейда фақат аълога ўқиди. Пойтахтда, ТАТУда давлат гранти асосида ўқиди. Расулбек бошқача йўл тутди. У армияда хизмат қилди ва имтиёзли асосда ТАТУ Фарғона филиалига ўқишга қабул қилинди. Фурсати келганда айтиб олай, “Камолот” ёшлар ташкилотидан бениҳоя миннатдоримиз. Ташкилот тўрт йил мобайнида Расулбекнинг шартнома суммасининг 35 фоизини тўлаб борди. Ажойиб, ташкилот яхши ўқимаса, тўламас экан. Роса қаттиқ ўқиди – да ўзиям болагинам! Болаларимизнинг, барча ёшларнинг иқболини баланд, бахтларини тўқис, йўлларини ойдин қилаверсин...

Расулжонга кўнгирак қилганимда зарбдор меҳнат жараёнида бўлаверди. Ҳар нечук филиал бўлим бошлиқлари Валижон Қурбонов, Аҳлидин Дадажонов ҳамда тошлоқлик телекомчилар билан суҳбатлашгач, бамисоли маърифат гулшанида униб-ўстан болалар шундай зўлқо, маданиятга бўлиши табиий деб хулосаладим ва қуйидагилар қоғозга тушди:



...“Жонинг жабборга бериб ишла, касбинг устаси бўлки, уста бўлганда ҳам энг моҳири бўл, акс холда бир кунни ерга қараб қолишинг ҳеч гапмас” – ўзига шундай қаътий қарор қўйган. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Мен телекомчи муҳандисман – бор гап шу! Ҳамма жараёни билишим, ўз қўлларимда бажаришим шарт. “Кудуққа тушиш керакми, мен туша қолай”, “Симёғоча чиқш керакми, илтимос, мен чиқа қолай...”

Ана шунақа. Расулжон бир йилча филиал биллинг бўлимида 1-тоифали муҳандис, яна бир йилча Тошлоқ ТБда олий тоифали муҳандис вазифаларида ишлаган. Қисқа муддатлардаёқ ўзининг раҳбарга хос лаёқати билан кўзга ташланган. Мана, салкам етти йилки, мазкур боғлама жамоасига бош. Вақтинг

кетди – нақдинг кетди. Етти ўлчаб бир кес, мақолларига риоя қиладиган бола, энг ёш раҳбарлардан бири. Ўта мулоҳазакор, вазмин, камтар...

Боғлама катта техниги Турдиали Мамажоннинг таърифи ҳам айричалиги билан ёдимда қолди: Расулжон касбини жуда севади, қаққон, ҳукмфармо эмас, топшириқни бериб қўйиб, қорнини силаб кетавермайди. Бир масала юзата келса, у қайси биримиз бўлмайлик “Менимча, мана бундай қилсак-чи, сиз нима дейсиз, сизнинг фикрингиз қандай”, деб сўрайди. Вामаслаҳат иш тутади. Ҳамма-нинг кўнглига қарайди. Хурмат – иззатини жойига қўяди.


Дарҳақиқат, унинг таваққури кенг. Ҳис-ҳаяжонга берилмайди. Ҳамкорлар билан ҳам муомала маданияти ҳам самимий. Ва ниҳоят кеча Расулжон кўнгирак қилиб қолди: Мени эмас, жамоани ёзинг, – деди илти-

мос оҳангида. – Азалдан бу жамоа аҳил-иноқ бўлган. Электромонтёрлару кабелчиларимизни ёзинг. Валишер Раҳмонлиев, Ҳасанбой Хомидов, Музаффар Зокиров, Ўктамжон Аҳмаджонов, Азаматжон Нишонов. Бири-бирдан меҳнатсевар, бири-бирдан абжир, тезкор. Жамоага фақат ва фақат дуо олиб келишяпти. Мунаввар ая Ҳамдамова (Ҳожи ота МФИ), Тўхтасин ота Мамасаидов (Сўқчилик МФИ), Нурали ота Мамажонов (Хўжаариқ МФИ) каби фуқаролар хизматдан беҳад мамнун бўлганликларини айтиб, қўнгирак қилдилар. “Агар ёсангиз ўқишдаги ва филиалдаги серҳиммат устозларим Абдулазиз Абдуллаев ва Йигитали Искандаровларни ва Шухратжон Мўминовни, Сирожиддин Муллажоновни ёзинг. Улардан шогирд сифатида жуда қарздор эканлигимни, уларни доим дуо қилишимни ёзинг”... Ана шунақа. Расулжон ўзи ҳақида гапиришни хушламайдиган бола.

Боғламада 2022 йилнинг етти ойида олинган соф даромад 1млрд. 981 млн. сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган 2021 йил етти ойида 852 млн. сўм бўлган. Интернетдан фаол фойдаланувчилар сони жорий йил етти ойида 2799 нафарга етган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг етти ойида 1601 нафар бўлган.

Ҳафиза Саляхова,
“Xabar”нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

ЗА СЕМЬ МЕСЯЦЕВ ТЕКУЩЕГО ГОДА В СФЕРЕ ИНФОРМАЦИИ И СВЯЗИ СОЗДАНО 1522 НОВЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ



- 141 ед. в Самаркандской области
- 109 ед. в Ферганской области
- 86 ед. в Ташкентской области.

По состоянию на 1 августа 2022 года в нашей республике, общее количество предприятий работающих в сфере информации и связи составляет 11252 ед., а темп роста по сравнению с аналогичным периодом прошлого года составило 107,5%.

Кроме того, за семь месяцев текущего года в этой сфере создано 1522 ед. новых предприятий из которых 1514 ед. относятся к субъектам малого бизнеса.

Регионы с наибольшим количеством вновь созданных в этой сфере предприятий следующие:

- 652 ед. в г.Ташкенте

ПРОШЕЛ СЕМИНАР ПО 3 КРУПНЫМ ПРОЕКТАМ, РЕАЛИЗУЕМЫМ С J. KOREA'S KOICA AGENCY



В Ташкентском университете информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразмий прошел семинар по 3 крупным проектам, реализуемым с J.KOREA'S KOICA AGENCY по поддержке IT и стартапов.

В семинаре приняли участие директор представительства Корейского международного агентства в Узбекистане г-жа Пак Сунджин, официальные руководители Торгово-промышленной палаты, IT-Park, Ташкентского университета информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразмий. Мероприятие посетили руководители проектов и представители южнокорейских партнерских организаций.

Основная цель семинара – объединить вышеперечисленные 3 проекта по развитию цифровых технологий в Узбекистане, увеличить долю IT и стартап-проектов, улучшить экосистему инноваций и предпринимательства, подготовить кадры с современными знаниями в этой области, усилить интеграцию образования, науки и производства.

Корейским опытом по развитию инновационной экосистемы и поддержке стартапов поделились специалисты южнокорейского университета Сунчунхян, технопарка Кёнбук, Корейской ассоциации технопарков, компании Dain Leaders, университета Кукмин и других организаций.

В завершение семинара участники договорились об организации семинаров и тренингов по стартапам, организации курсов обучения и наставничества, обучении молодежи и повышении знаний о бизнесе.

BEELINE UZBEKISTAN ЗА ПОЛГОДА ЗАПУСТИЛ БОЛЕЕ 1 350 БАЗОВЫХ СТАНЦИЙ



Digital-оператор продолжает расширять сеть, улучшая качество связи на всей территории Узбекистана. Только летом Beeline Uzbekistan ввел в строй свыше 430 новых базовых станций (БС). Всего же с начала года сеть компаний пополнилась более 1 350 БС разных стандартов, что позволило значительно улучшить покрытие и ёмкость мобильной сети Beeline. Преимущество отдается технологии 4G с высокими скоростями мобильного интернета.

Новое оборудование устанавливается чаще всего в тех местах, где быстрее растёт число абонентов и генерируемого ими трафика, а

Кроме того, базовые станции строятся в населённых пунктах, куда мобильная связь и интернет приходят впервые. Но их в республике все меньше: за время своей работы в Узбекистане Beeline вывел в эфир уже более 14 000 БС.

Особое внимание оператор уделяет расширению скоростной сети 4G. Только в июне и июле текущего года новые базовые станции этого стандарта запущены в Ташкенте и Ташкентской области, а также в Андижанской, Бухарской, Джизакской, Навоийской, Наманганской, Кашкардарьинской, Самаркандской, Сырдарьинской, Сурхандарьинской, Ферганской, Хорезмской областях и Каракалпакстане. Высокоскоростным сервисом передачи данных по технологии 4G были обеспечены 330 населённых пунктов. Жители пяти труднодоступных сёл, где ранее полностью отсутствовала связь, теперь смогут по достоинству оценить качество связи Beeline.

В настоящее время связь оператора доступна более 92% населения страны, сеть 4G – 70 процентам, с начала года этот показатель увеличен на 8%.

IT-ПРАВО. В КАКОМ ФОРМАТЕ ПРОИСХОДИТ ОФОРМЛЕНИЕ ЭЛЕКТРОННОЙ КОММЕРЦИИ? В БУМАЖНОМ ИЛИ ЭЛЕКТРОННОМ?

Вопрос: в каком формате происходит оформление электронной коммерции? В бумажном или электронном?

Ответ: согласно новой редакции Закона Республики Узбекистан «Об электронной коммерции», допускаются оба варианта. В статье 15 Закона говорится, что документы, связанные с исполнением договора в электронной коммерции, могут быть оформлены в виде электронного документа или на бумажном носителе.

РЕЗИДЕНТАМ IT-PARK ПРЕДОСТАВЛЯЕТСЯ ДОПОЛНИТЕЛЬНАЯ НАЛОГОВАЯ ЛЬГОТА

Шавкат Мирзиёев утвердил новый пакет мер по развитию отрасли IT. В частности, для техностартапов каждый год будет проводиться конкурс на \$1 млн.

Поручено расширить доступ населения к связи и интернету. К концу года мобильной связью должны быть охвачены 98% населённых пунктов и 60% автомагистралей, а возможность подключить высокоскоростной проводной интернет предоставят ещё 800 тысячам домохозяйств.

Операторы и провайдеры с 1 октября получат право приступать к строительно-монтажным работам на телеком-объектах с момента сдачи проекта на экспертизу. Срок проведения пожарной и санитарной экспертизы ускорят до 15 дней.

Мининфокому поручено ежеквартально готовить список новых локаций для установки вышек сотовой связи. Участки в сельхозгодях будут сдаваться операторам их собственниками (на основе сервитута), в других местах — напрямую министерством.

Также намечено удвоение числа пользователей электронных госуслуг. Как отмечалось ранее, с 1 ноября их разрешат оказывать через приложения мобильных операторов, платёжных сервисов и банков.

С этой же даты пользователи смогут получать услуги в мобильном приложении ЕПИГУ, используя размещённые на ID-карте ключи ЭЦП.

С 1 января 2023 года должна заработать единая платформа портала правительства Узбекистана. На ней планируется поэтапно разместить официальные сайты и ресурсы всех госорганов.

До нового года поставлена задача создать для работников госучреждений Digital Office. В нём будет входить система документооборота, мессенджер, календарь, защищённая электронная почта и видеосвязь.

Расширяются льготы для резидентов IT-Park. Теперь они до 2028 года также освобождаются от НДС по платежам за услуги от нерезидентов Узбекистана.

ИНФОРМАЦИЮ ОБ АРЕСТЕ ИМУЩЕСТВА СОБЕРУТ В ЕДИННЫЙ БАНК ДАННЫХ

Кабмин постановил создать банк данных об имуществе, на которое наложен арест либо запрет на передачу другим лицам. Документ доступен в базе Lex.uz.

Банк данных будет работать в онлайн-режиме на базе информационной системы «Нотариус». Запустить его предписывается с 1 октября.

Сведения об аресте будут поступать в банк на основе постановлений суда, прокуратуры, следственных органов, БПИ и налоговых органов. Запрет на передачу объекта другим лицам также могут установить нотариусы или банки (например, на заложенное для выдачи кредита имущество).





IPHONE 14 СМАРТФОНЛАРИ 7 СЕНТЯБРДА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ — BLOOMBERG

Apple янги туркум iPhone смартфонларини 7 сентябрда тақдим этиши мумкин. Бу ҳақда манбаларга асосланиб Bloomberg хабар берди.

Шу кунги iPhone 14 смартфонлари, қолаверса, Mac янги компютерлари, iPad планшетлари ҳамда Apple Watch ақли соатларининг учта янги модели тақдимоти ўтказилиши кутилмоқда.

Bloomberg компания флагманлик махсулотларини соҳа учун мураккаб бир даврда янгилаётганига эътибор қаратди. Ҳозир смартфонлар савдоси пасайишни бошлаган. Инфляция ва барқарор бўлмаган иқтисодий вазият шунга олиб келди. Бироқ Apple компанияси рақобатчиларига қараганда вазиятга яхшироқ мослаша олади.

Авалроқ iPhone 14 смартфонлари, Хитойга қарамликдан қутулиш учун, Ҳиндистонда тайёрланиши ҳақида хабарлар пайдо бўлганди.


БИРИНЧИ ЙЎЛОВЧИ ЭЛЕКТРСМОЛЁТИ СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ

Канадада йўловчи ташишга мўлжалланган илк электрсамолёт синов парвозини бажарди. Harbour Air компаниясида тайёрланган бу самолётга қиммат ёнилиги қуйиш шарт эмас, худди Tesla машиналари каби тоқдан қувват олади.

“Ушбу йўловчи самолётининг прототиби Канаданинг материк қисмидан Ванкувер оролигача бўлган 74 километр масофани 24 дақиқада учиб ўтди”, — дейилади СВС телеканали хабарига.

“Бу лойиҳа бизни жуда тўлқинлантириб юборди, у биз учун ҳам, электр авиацияси келажаги учун ҳам муҳим аҳамият касб этишини қалбдан ҳис этяпмиз. Самолётни ривожлантиришда давом этамиз”, — деди компания вакили Эрика Холц телеканалга берган интервьюсида.

Harbour Air электрсамолётлари ҳозирча қисқа масофаларга мўлжалланган. Компания келгусида ана шундай экологик тоза самолётлардан кўплаб ишлаб чиқаришга умид қилмоқда.



САРАТОН БИЛАН НЕЙРОТАРМОҚ ОРҚАЛИ КУРАШИЛАДИ

Москвада онкологик касалликларни нейротармоқ асосида ташхислаш тизими синовдан ўтказила бошланди. Лойиҳа ҳозирча 2та шифохонада йўлга қўйилган.

Янги тизимга кўра шифокорлар биоматериалларнинг рақамли нусхаси ва гистологик тасвирлар базасини яратадилар. Унинг асосида сунъий интеллект технологиясининг ўрганиши бошланади.

Сўнг шифокорлар онлайн режимда маълумотларни қабул қиладилар, мураккаб вазиятларда эса консилиум ўтказадилар. Натижа ҳақида беморлар хабардор бўлиш ҳуқуқига эгалар.

Нейротармоқ шарофатидан хавфли ўсмаларни аниқлашда вақтдан ютилади ва тўғри ташхис қўйилади.

5G ХИТОЙДА МИЛЛИАРДГА ЯҚИН МИЖОЗЛАРНИ ТОПДИ

Хитойнинг учта уяли алоқа оператори бешинчи авлод тармоқлари фойдаланувчилари сони бўйича янги маълумотларни эълон қилди.

Ўтган ой натижаларига кўра, China Mobile мижозларининг умумий сони 971,1 миллион кишини ташкил этади. Улардан 5G пакетлари фойдаланувчилари сони 523,7 миллионтадир.

China Telecom компаниясининг 386,1 миллионга мижози бор бўлиб, 237,3 миллионтаси 5G фойдаланувчиси саналади. China Unicom компаниясининг 813,9 миллион мижозидан 190,0 миллиони 5G пакетидан фойдаланади.

Демак, учта компанияда жами 987 миллион 5G пакет фойдаланувчиси мавжуд. Кўриб турганингиздек, қарийб бир миллиардга яқинлашиб қолган.



Халқаро ҳаёт

ЭРДЎҒОН ҚРИМ КИМНИКИЛИГИНИ АЙТДИ



Туркия президенти Ражаб Тоййиб Эрдуғон халқаро ҳуқуқ асосида Қрим Украинага қайтарилиши шартлигини яна бир бор таъкидлади. Бу ҳақда ВВС хабар берди.

“Халқаро ҳуқуқ талабига мувофиқ, Қрим Украинага қайтарилиши шарт. Бу бутун минтақа ва жаҳон хавфсизлик тизими, Украинанинг барқарорлиги, ҳудудий яхлитлигини қўллаб-қувватлаш, суверенитети ва сиёсий бирдамлиги учун ўта муҳимдир”, — деди Эрдуғон 23 август кунги Киевдаги “Қрим платформаси 2 онлайн-саммитида.

Киевдаги “Қрим платформаси” иккинчи саммитида 60 давлатдан вакиллар, жумладан, 40 мамлакатнинг президент ва бош вазирлари иштирок этди.

УРУШНИНГ БИР КУНИ УКРАИНАГА ҚАНЧАГА ТУШЯПТИ?



Украина бош вазири Денис Шмигал сешанба, 23 август кунги ўтказилган ҳукумат йиғилишида Россия Украинага тўлақонли бостириб киргандан буён (24 феврал) мамлакат ўз мудофааси ва хавфсизлиги учун 420 млрд. гривнадан зиёд (тахминан 11,4 млрд. АҚШ доллари) маблағ сарфлаганини маълум қилди.

Юқоридаги 11,4 миллиард кунма-кун тақсимланадиган бўлса, урушнинг бир кунги Украинага қарийб 63 млн. доллардан тушмоқда.

Шмигалнинг таъкидлашича, мамлакат бюджетининг умумий харажатлари 24 февралдан бери қарийб триллион гривнани ташкил этди, яъни ҳарбий харажатлар Украина бюджетининг 40 фоизидан ошиб кетган.

Ҳарбий харажатларнинг деярли 70 фоизи — 288 млрд. гривна ҳарбийларга маош тўлашга, 135 млрд. гривна ҳарбий техника сотиб олиш ва таъмирлашга харжланган.

Иттифоқчилар Украинани яхши қўллашаётганини айтган бош вазир шу пайтгача 14 млрд. долларлик мадад олинганини, йил охиригача яна 12–16 млрд. долларлик ёрдамдан умид борлигини қўшимча қилган.

ЕВРОПА СЎНГГИ 500 ЙИЛДАГИ ЭНГ ЁМОН ҚУРҒОҚЧИЛИККА ДУЧ КЕЛДИ



Бу йилги қурғоқчилик Европа мамлакатларида сўнги 500 йилдаги энг ёмони бўлиши

мумкин. Бу ҳақда Еврокомиссия матбуот хизмати вакили баёнот берди. Таъкидланишича, ҳозиргиси хомчўт, якуний хулоса мавсум якунига бориб берилади.

Ҳозирда мавжуд маълумотлар Европа иттифоқи мамлакатларининг деярли ярми қурғоқчиликдан зиён кўрганини кўрсатмоқда. Айниқса, Франция, Испания, Германия, Венгрия, Руминия ва Белгия фермерлари энг кўп зарар кўргани айтилмоқда.

ДУНЁДАГИ ЭНГ ҚИММАТ ДОРИ



АҚШда ирсий қон касаллиги — бета-талассемияни даволаш учун инъекция (эмлаш)га рухсат этилди. Бу дунёдаги энг қиммат дори ҳисобланади.

“Зинтегло” (Zynteglo) номини олган ушбу дорини Bluebird bio компанияси ишлаб чиқди. Компания маълумот беришича, касалликни даволаш ёки беморнинг ҳолатини анча яхшилаш учун дорининг битта дозаси етарли. Битта эмлашнинг нархи — \$2,8 млн. Яъни шу пайтгача дунёда энг қиммат саналган Zolgensma (орқа мия мушаклари атрофиясини даволашда қўлланилади)дан 700 минг доллар қимматроқ.

Бета-талассемия — гемоглобин билан боглиқ мутация келтириб чиқарувчи наслик касаллик. Патологиясини энгил ҳолсизликдан тортиб тинмай донор қонини қуйиб туришгача — турлича намоён бўлади.

“O‘ZBEKISTON POCHTASI” AJ
SIRDARYO FILIALI
jamoasi

AZIZ
VATANDOSHLARIMIZNI
O‘ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MUSTAQILLIGINING
31 YILLIK
SHODIYONALARI
BILAN
MUBORAKBOD
ETADI!

“O‘ZBEKTELEKOM” AK
SIRDARYO FILIALI
jamoasi

“O‘ZBEKISTON POCHTASI” AJ
ANDIJON FILIALI
jamoasi

Jonajon Vatanimizning
yanada gullab-yashnashi yo‘lidagi
yaratuvchanlik mehnatingizda
ulkan yutuqlar tilaydi!

“O‘ZBEKISTON POCHTASI” AJ
SURXONDARYO FILIALI
jamoasi

Jannatmonand
O‘zbekistonimiz ahlini
tobora yaqinlashib kelayotgan
ISTIQLOLIMIZNING
31 YILLIK TO‘YI
bilan tabriklaydi!

“O‘ZBEKISTON POCHTASI” AJ
BUXORO FILIALI
jamoasi

O‘zbekiston xalqini
Mustaqilligimizning shonli
31 yillik tantanasi
bilan qutlaydi!



ЭНГ КЎП ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚ

Статистикага кўра, дунё аҳолисининг 59 фоизи ёхуд 4,7 миллиард одам ижтимоий тармоқлардан фойдаланишади ва ушбу рақамлар йилига 5,1 фоиз ёки 227 миллионга ошиб бормоқда. Бу бир неча йил аввалги эмас, балки 2022 йилнинг июл ойига DataReportal томонидан берилган маълумотлар бўлиб, куйида шунча одам қайси ижтимоий тармоқлардан фойдаланиши ва унга қанча вақт сарфлаши билан танишамиз.

Маълум бўлишича, дунёдаги энг кўп ишлатиладиган ижтимоий тармоқ ҳали ҳам Facebook бўлиб, унинг фаол фойдаланувчилари салкам 3 миллиардга ташкил қилади. Ундан кейинги иккинчи ўринни эса Googleнинг YouTube видео платформаси 2,476 миллиард фаол фойдаланув-

чилари эгаллаган бўлса, топ учлик 2 миллиард доимий фойдаланувчиларга эга WhatsApp билан якунланади.

Гарчи Facebook энг кўп фаол одамларга эга бўлса ҳам, фойдаланувчилар унга кўп вақт сарфлашмайди. Data.AI томонидан тақдим қилинаётган маълумотларга кўра, TikTok ва YouTube фойдаланувчилари умумий ҳисобда ойига салкам бир кунларини (23,6/23,2 соат) шу платформаларга сарфлашади.

SensorTower берган маълумотларга кўра эса кунига ўртача 95 дақиқа TikTok учун, 74 дақиқа эса YouTube учун сарфланади. Бироқ, энг фаол фойдаланувчиларга эга ижтимоий тармоқ Instagram бўлиб, ҳар 10 Instagram фойдаланувчисининг тўрттаси кунда Instagramга киради.

Саломатлик

Витаминларни эрталаб истеъмол қилманг



Озиқ қўшимчалар куннинг қайси пайтида қабул қилиниши аҳамиятлими? Eat this, Not that нашри сўроққа тўтган мутахассисларнинг айтишларича, ҳа. Эрталаб, нонуштадан аввал дармондорилар (витаминлар) ичиш ошқозон-ичак трактининг бузилишига олиб келиши мумкин экан.

Қайси витаминларни эрталаб истеъмол қилиш ярамайди?

A, D, E ва K витаминларини, ёғда эригани учун, оч қоринга ейиш тавсия этилмайди: Экспертларнинг таъкидлашича, D ва бошқа витаминларни ёғли овқатлардан кейин истеъмол қилиш керак.

Шифокорлар уйқудан олдин магний қабул қилишни тавсия этишган, чунки у ўзига хос уйқудори ҳам ҳисобланади. Спорт билан шуғулланувчилар машғулотлардан аввал озиқ қўшимчалардан тийилишгани маъқул.

Ҳар қандай дори ёки дармондорини истеъмол қилишдан аввал шифокор билан маслаҳатлашинг!

Гуллар парвариши

ОРХИДЕЯЛАР ТАРОВАТИ

Кўплаб газетхонларимизнинг истакларини инобатга олиб, “Гуллар парвариши” рукнини ташкил этдик. Мазкур рукнимизда хонаки гулларни парваришlash бўйича фойдали маслаҳатларни бериб борамиз. Бугунги мақоламизда сиз Орхидеялар парвариши ҳақида билиб оласиз.

Орхидеяларнинг йил бўйи гуллаб кўзларимизни қувонтириб туриши учун, аввало, тўғри парвариш қилиш керак. Парвариш қилишнинг асосан учта шартлари бор: Тўғри сугориш, етарли ёруғлик ҳамда тўғри озиклантириш. Кўёш тушмайдиган, салқин, ёруғ жой орхидеялар учун айни муддаодир.

Одатда орхидеялар шаффоф идишга экилади ва унинг томирлари кўришиб туради. Бу бежизга эмас. Унинг томирлари нафақат гулни сув ёки озик моддалар билан таъминлайди, балки фотосинтез жараёнида ҳам иштирок этади.

Сугориш: Орхидеяни илдизлари ҳолатига қараб сугориш керакми-йўқми билиб олсак бўлади. Агар илдизлари яшил рангда бўлса, дерак, гулимиз чанқамagan, агар илдизлари оч кўкимтир рангда бўлса – сугориш вақти келган. Орхидеяни сугориш асосан сувга 15–20 дақиқа бўктириш йўли билан амалга оширилади.

Озиклантириш: Орхидеяларни ҳар 10–15 кунда дозаси кучли бўлмаган минерал ўғитлар билан озиклантириб туриш керак.

Тупроғи: Қарағай қобиғи, сфагнум мох ҳамда дарахт кўмиридан иборат бўлиши керак. Сизга маслаҳатимиз, гул дўконларидан махсус тупроғини сотиб олганингиз маъқул.

Хулоса: Гулингизни тўғридан-тўғри кўёшдан ва елвизакдан асранг, тўғри сугоринг, хонада гул учун хос жойни топинг, иссиқлик ва намликнинг ўртача даражасини сақланг. Шунда орхидеялар узоқ йиллар гуллаб, хонадонингизни ўзининг ажойиб хусн-таровати билан безаб туради.

Солижон ЗОИРОВ



| | | | | | | | | | | | | | | | | |
|--|---|--|---|--|--------------------------|---------------------------|-------------------------|---------------------------|--------------------------|---------------------------|---------------------------|------------------------|----------------------|--------------------------|---------------------------|------------------------|
| <p>Xabar</p> <p>МУАССИС</p> <p>O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI</p> <p>Bosh muharrir: Abdug'ani ABDURAHMONOV</p> | <p>Tahrir Hay'ati: Sherzod SHERMATOV (Hay'at raisi), Nazirjon HASANOV, Kommuna IRISBEKOVA, Alisher FAYZULLAYEV, Lutfullo TURSUNOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Usmonjon YO'LDOSHEV (Mas'ul kotib).</p> | | <p>MANZILIMIZ:</p> <p>100000 Toshkent shahri, Amir Temur 1-tor ko'chasi, 2-uy (Mo'ljal Oloy bozori). Telefonlar: 71-234-18-59, 71-234-18-31. Faks: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz</p> | | | | | | | | | | | | | |
| | <p>Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Muallifning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda "Xabar"dan olinganligi ko'rsatilishi shart</p> <p>Gazeta sahifalarini tayyorlashda internet materiallaridan ham foydalanildi. Bahosi kelishilgan narxda.</p> | | <p>Obuna indeksi — 228.</p> <p>Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. Dizayner: Asliddin BO'RIYEV. Navbatchi: Solijon ZOIROV.</p> | | | | | | | | | | | | | |
| <p>Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligi tomonidan 0016 raqami bilan 2013-yil 23-iyulda ro'yxatga olingan.</p> | <p>Gazeta haftaning juma kuni chiqadi</p> | <p>Gazeta "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Manzil: Toshkent shahri, Buyuk Turok ko'chasi 41-uy.</p> | <p>Г-859 sonli buyurtma. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-3, hajmi 2 bosma taboq. Adadi: 2990</p> | <p>ISSN 2010-6424</p> <p>Bosishga topshirildi — 17 °° Bosishga topshirish vaqti — 24 °°</p> | | | | | | | | | | | | |
| <p>Viloyat muxbirlari:</p> <table border="0"> <tr> <td>Andijonda (74) 226-47-80</td> <td>Buxoroda (99)854-7305</td> <td>Jizzaxda (94) 199-95-64</td> <td>Namanganda (91) 353-71-25</td> <td>Navoyjda (79) 225-91-10</td> <td>Nukusda 554-35-45</td> <td>Samarqandda (91)557-84-44</td> <td>Termizda (99)508-30-52</td> <td>Toshkentda 234-18-59</td> <td>Urganchda (97) 211-65-05</td> <td>Farg'onada (73) 244-18-05</td> <td>Qarshida (93)931-08-99</td> </tr> </table> | | | | | Andijonda (74) 226-47-80 | Buxoroda (99)854-7305 | Jizzaxda (94) 199-95-64 | Namanganda (91) 353-71-25 | Navoyjda (79) 225-91-10 | Nukusda 554-35-45 | Samarqandda (91)557-84-44 | Termizda (99)508-30-52 | Toshkentda 234-18-59 | Urganchda (97) 211-65-05 | Farg'onada (73) 244-18-05 | Qarshida (93)931-08-99 |
| Andijonda (74) 226-47-80 | Buxoroda (99)854-7305 | Jizzaxda (94) 199-95-64 | Namanganda (91) 353-71-25 | Navoyjda (79) 225-91-10 | Nukusda 554-35-45 | Samarqandda (91)557-84-44 | Termizda (99)508-30-52 | Toshkentda 234-18-59 | Urganchda (97) 211-65-05 | Farg'onada (73) 244-18-05 | Qarshida (93)931-08-99 | | | | | |